

«AFFAT AUDIT» МЧЖ АТ

Андижон минтақавий филиали

Адрес: Андижон шаҳри тинчлик кучаси 8-уй. e-mail: affat.audit@gmail.com.

ИНН: 309 442 599 . p/c: 20208000105518769001. МФО: 01071 . БАНК: "ОРИЕНТ
ФИНАНС" ХАТ БАНК

Мустақил аудиторлик хулосаси

"ТА'MINOTCHI-PAHTA" Акциядорлик
жамияти раҳбариятига

Фикр

Биз "ТА'MINOTCHI-PAHTA" акциядорлик жамиятининг (СТИР:200453562) 2022 йил 1 январ кунидан 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча жамиятнинг 2022 йил фаолияти юзасидан тақдим этилган молиявий ҳисоботлари амалдаги БХМС ва қонун ҳужжатлар (яъни кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг умумий маълумотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш концепцияси, шу жумладан қонун ва тартиблар) нинг талабларига мувофиқ тайёрланган.

Фикр билдириш учун асослар

Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз, ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги"¹ бўлимида батафсил ёритилган. Биз Корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг 13.04.2016 йилдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" янги таҳрирдаги қонуни²га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият Корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан Корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар Корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш ва жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

¹ Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги

² "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" қонунининг 11- моддаси



Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида ақс эттириш. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал этикани қўллаيمиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топишмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топишмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- Корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, Корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар Корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

“AFFAT AUDIT” МЧЖ шаклидаги аудит
Андижон мунтақавий филиали
директори аудитор:



Х.Т.Мирзалиев

Андижон шаҳри, тинчлик кучаси 8-уй

30.05.2023 йил